

Нодим Намангоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Сулаймонхўжа Улугхўжа ўгли) (1844 — Наманган —1910) — шоир. Саидкулибек мадрасасида тахсил кўрган. Араб, форс тилларини ўрганган. Кўкон ва Тошкентда бўлган, фан-техника янгиликлари, рус маданияти, адабий ва маданий доиралари билан яқиндан танишган. Бухоро, Самарканд (1899), Туркия, Миср, Арабистон (1902—03) га саёхат килган. Навоидан ўрганган, газалларига тахмис, назиралар ёзган. Муқимий, Мухйи, Фуркат, Завкий, Мухаййир, Шавкий каби шоирлар билан яқин дўст бўлиб, ижодий ҳамкорлик килган, улар шеърларига мухаммаслар боғлаган. Мумтоз шеърятнинг барча жанрларида, туркий ва форсийда ижод килган. Газалларида инсон гўзаллиги, мухаббат ва вафо, аёллар эркини куйлаган («Согиндим мен, согиндингми?», «Мактуби мухаббат услуб» ва бошқа), она-Ватан табиати, унинг гўзаллигини тараннум этган, халк ҳаётини реалистик акс эттирган, ижтимоий иллатларни фош этган, маърифатпарварлик гоёларини илгари сурган («Баҳор айёми келди», «Давр жавридин...», «Баёни дар сафари Тошканд» ва бошқа). «Шикоят пахта» шеърида кишлок меҳнаткашларининг ачинарли ҳаётини тасвирлаган.

Хажвий асарларида мактанчок, мутақаббир бойлар, чор амалдорлари танқид килинган («Дар мазаммати замона», «Дар шикоят кози» каби). Юмористик асарлар ёзган («Безгак» ва бошқа).

Нодимнинг шеърлари «Туркистон вилоятининг газетаси»да босилган. Ўзи тузган «Баёзи Нодим»нинг муқаммал нусхаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади (инв. №4179).

*Бегали Косимов*

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Ёр этиб азми сафар, ман зори гирён колмишам,  
Нолау афгон чекиб, бесабру сомон колмишам.

Ул гули навраста хижронида йиглаб зор-зор,  
Булбули шайдо каби ман тортиб афгон колмишам.

Ул неча ахбоби дилхохи била айлаб сафар,

Ман гаму хасратда ёлгуз сийна бирён колмишам.

Офтоби осмони хусн этиб ногах гуруб,  
Соядек ман нотавон ер бирла яксон колмишам.

Кўз кўруб, кўнглум асир ўлди каманди зулфига,  
Войким, зулмат аро табъим паришон колмишам.

Неча кундурким хаёлидан даме бўлмай халос,  
Кўзга уйку келмайин то субх хайрон колмишам.

Дўстлар, бир чора айланг дардима, ўлмай халок,  
Доги хижронига топмай хеч дармон колмишам.

Кайси кун бўлгайки, Нодим, васлига махрам бўлуб,  
Арзи холимни десамким: — Сансиз, эй жон, колмишам.

\* \* \*

Эрур кўнглум паришон, токи айрилдим диёримдан,  
Диёрим йўкки, ёру ошною, гамгусоримдан,

Кўзум намнок, сийнам чок, багрим тах-батах кондур,  
Качонким айрилибман ул нигори гулъузоримдан.

Сунурлар дам-бадам ишрат майин ахбоб гурбатда  
Талаттиф кўрсатиб минг навъи, тушмасман хуморимдан,

Хазон япрогидек сўлдум самуми хажридин, хайхот,  
Насимо, муждаи еткурмадинг файзи бахоримдан.

Деманг, эй дўстлар, бир гўшае тут, истикомат кил,  
Нечук килгум дурур, йўк хуш ила сабру кароримдан.

Фигоним раъд, охим барк, ашким сели тўфондур,  
Кочинг зинхор, эй ахбоб, мўхлик рахгузоримдан.

Куюндек дашт ила водида саргардон бўлубдурман,  
Качонким айри тушдим хоки пой шахсуворимдан.

Кадардандур бу гурбат, инжима, сабр айла, эй Нодим,  
Иноят бўлса етгайсан ватанга, биру боримдан.

\* \* \*

Фигонким, чарх бедоди била кўнглум паришондур,  
Балоу дарду гам кайдида зору, дийда гирёндур.

Бахори гулшани оламда осиб хаводисдин,  
Очилмай гунчаи пажмурда янглиг тах-батах кондур.

Кеча то субхидам шабнам каби кўздан тўкуб ёшин,  
Суруди ноладин булбул каби дойим дарафгондур.

Хаёли лолагун рухсоралардин, гох савдодин  
Самандардек кириб гам оташига сийна сўзондур.

Гахи каттик мусибатдин фалакфарсо эрур охи,  
Сиришкидин гахи кўз мардуми гаркоби тўфондур.

Тани фарсуда, багри пора-пора, чок домони,  
Хамиша дарди-догу гусса бирла ашк резондур.

Фано сарманзилин истар кечиб бу хонумонидин,  
Бу дунё гулшани ахбобсиз гўёки зиндондур.

Паёпай тут кадах, эй сокий, ўзлукдин халос айла,  
На хуш улким, адам кошонасида масти хайрондур.

Вужудим най каби сўрох-сўрох ўлди, эй хамдам,  
Фигону нола хар бир банд-бандидин намоёнду.

Колиб бу кўхи гам остида юз минг доглар бирла;  
Таажжубким, уриб юз печтоби ўлмаган жондур.

Хазин жонимни, эй гардун, мени огритма, дилшод эт  
Даме бир ўткучи бу дахри фоний ичра мехмондур.

Гахи вобастаи занжири хасрат, гах асири гам,  
Тутолмай хеч бир домони максад, доги хирмондур..

Гизо бобида ахволини, ё раб, мустаким айла,

Кулинг Нодим мусохиблар кетиб, бесабру сомондур.

\* \* \*

Бахор айёми келди, дашту сахро лолазор ўлди,  
Замин сар сабзу гулшан тоза, ер ойинавор ўлди.

Кўтарди кумрию булбул фиғону нола хар ёндин,  
Басе хусну назокат сарви гулдин ошкор ўлди.

Насими рухпарвар хар тарафдин юрди бог ичра,  
Димоғ ўлди муаттар, бўйи гулдин мушкбор ўлди.

Терилди барги гулга дона-дона гавхари шабнам,  
Этарда сайри гулшан ёр аёгина нисор ўлди.

Замони айшу ишратдур, шароби лолагун тутгил  
Менга, эй сокий гулчехра, кўнглум кўп хумор ўлди.

Ганиматдур замоне сайри гулшан, бўмагин гофил,  
Неча сандек сихи кад лоларух бундоғ губор ўлди.

Фиғонким, гунчаи бахтим очилмай ушбу гулшанда,  
Самуми хажридин пажмурдаи бебару бор ўлди.

Фано машшотасидин ёзмайин то уқдалар, Нодим,  
Бу олам богидаким комёби комкор ўлди.

\* \* \*

Харфи ишкингни ёзарда куйди дил жонигача,  
Хома хам кул бўлди, эй бедард, девонигача.

Ул шафак эрмас, кўзум кон ёши шоми фуркатинг,  
Мавжлар айлаб етибдур чарх домонигача.

Анжум эрмасдур бу охимнинг шарори, бу кеча—  
Равшан айлар олами то кўкни кайвонигача.

Маснади хусн узра то бўлдунг азиз, эй сарвноз,  
Шохлар даргохингга кул бўлди хоконигача.

Хар қачонким новаки мужгонинг, эй абру камон,  
Ўтди ўки сийнадин жонига пайконигача.

Кайси кунким давлати васлингдин ўлди ноумид,  
Кетди кўнглумнинг қарори сабру сомонигача.

Бул нечук жавру ситамдурким чекиб тийги ситез,  
Қасд этарсан ошики бечорани конигача.

Нодим ўлди ажз ила хижлат тарикатда фано,  
Шояд ўлгай махв деб бу журму исёнигача.

\* \* \*

Токим бошимга тушди ситамкор эhtiёж,  
Килди кўнглумни сарбасар афгор эhtiёж.

Бир лахза гар фарогати топсам бу дахрдин,  
Андуху гуссалар бирла тайёр эhtiёж.

Косид матоменки, биров сўрмагай мани,  
Хар кайда бўлса лек харидор эhtiёж.

Келса кўзумга бир кеча гар хоби рохати,  
Албатта, айлагай мани бедор эhtiёж.

Бор эhtiёж хар куни, аммоки кўп эмас,  
Килгай хужум хар шаби бозор эhtiёж.

Харчанд юз ўгурсаму сўксам келур яна —  
Олдимга тўгри, шилкиму беор эhtiёж.

Дунёда ёру гор анисим эрур магар,  
Хар дарду гам етишса, мададкор эhtiёж.

Йўктур жaxonни молу матои каминада,  
Хар канча сўрар эсалар бор эhtiёж.

Масти майи нашоту фарогат эди кўнгил,  
Килди мукаддар, айлади хушёр эhtiёж.

Бўлмам ўз ихтиёрим ила эхтиёжманд,  
Тушгай бошимга бир йўли ночор эхтиёж.

Мухтожликдин энди бориб кимга дод этай,  
Этти ёруг жахонни менга тор эхтиёж.

Фарзанди аржуманди жигарбандлар учун  
Бергай хамиша жонима озор эхтиёж.

Ё раб, халос айла мани эхтиёждин,  
Жону дилимдин айлади безор эхтиёж.

Солсам назар тамоми оламга сарбасар,  
Албатта, бўлгай анда падидор эхтиёж.

Хар субху шом бесару сомон кезар, базе  
Изхор этиб бу гумбази даввор эхтиёж.

Умру саломатию маошу беҳиштдур,  
Хар одамийга лозими бу чор эхтиёж.

Зохидга хуру жаннату кавсар мурод эса,  
Ишқу мухаббат ахлига дийдор эхтиёж.

Нодим, сипосу шукр кил, изхор айлама,  
Билгай худой, хеч кима зинхор эхтиёж.

\* \* \*

Илохи, бўлмасун ҳеч одамига ошно безгак,  
Мани бечорага кўп айлади жавру жафо безгак.

На бедоду ситамдур ҳар кеча тутса тонг отгунча,  
Киши кўрган эмасдур мунча золим беҳаё безгак.

Таним куйдурди, сабрим кетди, ахволим хароб ўлди,  
Ўзидин ҳам баттаррок дардга бўлгай мубтало безгак.

Дилу жонимда осори фарогат колмади харгиз,  
Худовандо, қачон бўлгай бу жисмимдин жудо безгак.

Нашоту айшу роҳат кетди, дард ила алам етди,  
Бу жисми нотавонимга кадам келтурди то безгак.

Жаҳон танг ўлди, олам бу жафожў хамнишинимдин,  
Тўюндим жондин эмди, ман турай бу ерда ё безгак!

Тилар ҳар дардким бордур паноҳ оламда безгакдин  
Ювулсин оти, лавҳи кавндин бўлсун фано безгак.

Агар тушса кўлумга тийг тортиб қаҳру кийн бирла,  
Кесиб кўлу оёгин айласам бедаступо безгак.

Баҳакки анбиё тарки жафою зулму бедод эт,  
Йўк эрса ҳакка илкиндин бўлурман додхоҳ, безгак.

Видоъ айлаб агар кетсанг, кўруб бу холу зоримни,  
Чу жоним борича айлай сени дойим дуо, безгак.

Агар бу илтижою илтимосим бирла кетмассан,  
Киёмат кун муаззаб бунда бўлгил бенаво, безгак.

Бу дарду меҳнатиким тортаман сандин иложим йўк,  
Нечукким ҳақ таолодин эрур бўлдим ризо, безгак.

Килурман шукрим, бир неъматидур жумла мўминга  
Демиш аҳли салаф куффорни журму хато, безгак.

Агарчандики кўпдур нафъи ухро бобида, лекин,  
Манга берди бу дунё ичра багоят жазо, безгак.

Деди Нодим бу безгак зулми бедодин халойикка,  
Илохо, килмасун ҳеч кимсани харгиз худо безгак.

## **МУХАММАСЛАР**

### **Навоий газалига мухаммас**

Токи савдодин думогим куйдурур хирмон иси,  
Чарх домонин тутар бу нолау афгон иси,  
Гунчадек кон этди дил бир Юсуфи Канъон иси,  
Гар бахор эл топса бўстондин гулу райхон иси,  
Келур ул райхон ила гулдин манга хижрон иси.

Махфили имконда ишратдин сабуи топмадим,  
Нашъайи кайфи бакодин тоза рӯи топмадим,  
Ушбу гулшан ичра ранги орзуйи топмадим,  
Менки бир гулдин жахон богида бўи топмадим,  
Найлайн килса муаттар дахрни бўстон иси.

Орзуйи васлидин кўнглумда юз минг можаро,  
Сурмасо кўзлар фирокидин бу жон мотамсаро,  
Зору махзунман, эрур багрим яро, эй ошно,  
Лаъли хажринда нихон ашким сўзин агёр аро,  
Деса бўлмаским келур бу навъ сўздин кон иси.

Кайси богу дашт аро ул сарвиноз этди хиром,  
Сабзау гуллар унуб топди саботи мустадом,  
То дами махшар муаттар бўлгуси андин машом,  
Кайдаким жон бахш лаълидин Масехосо калом —  
Сўрди, ул ердин келур юз карндин сўнг жон иси.

Эхтиёжингдин худодин ўзга огах демаким,  
Тут каноат домонин, султон ила шах демаким,  
Мунъиму мухсин хакикатда сувалло демаким,  
Эй гадо, олам элига шайъалиллах демаким,  
Бу чамандин келмади харгиз гули эхсон иси.

Олами мадхушдир ул зулфи анбар бўйига,  
Риштаи жонлар эрур пайванд хар бир мўйига,  
Топшириб жон ила кўнглумни кади дилжўйига,  
Жон иси тутди жахо”нни, мен борурман кўйига,  
Ким тилар эл жон иси, мен истарам жонон иси.

Лолаю гул бирла сахрою чаман жаннат, намуд,  
Чекди сарви гул шохида кумрию булбул суруд,  
Гулситон хар баргидин Нодим фалак айлаб хусуд,  
Чун Навойига келур хижрон иси хар дам, не суд,

Гар бахор эл топса бўстондин гулу райхон иси.

### Махмур газалига мухаммас

Дер сани манзалату кадрингга ахсанта малак,  
Раъд ила барк сани шавкату жохингга чафак,  
Гарчи одобдин эрмас сиза афсона демак,  
Эй жахондори зафар кавкаби даври фалак,  
Эшитинг киссаи кишлоги хароби Хафалак.

Камбагал жумла бу кишлок элини бандалари,  
Малаху, бургаю, бит, тошбака, даррандалари,  
Заъфдин йўл юра олмас хама чаррандалари,  
Турфа кишлоги жин урган ани паррандалари,  
Товуку игначию, ўрдагу гози — кафалак.

Ери шўр, ахли кўтир, паст хаво иссиг дам,  
Мутааззир юрмок ёгса агар катраи нам,  
Каламушдек козибон ерни ётарлар бегам,  
Дари йўк уйларини, банда баён, гар килсам,  
Бир капа, икки капа, уч олачук, тўрт каталак.

Эртадин кечгача кетмон чопиб, иссигда куюб,  
Емагайлар зогора, арпани нонига тўюб,  
Эру хотин талашиб кўлини кўлмак била юб,  
Ажириг томирини келисида майда туюб,  
Кайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Бирини эгнида йиртиг тўну, кўйлаклари тор,  
Томга таппи ёпадур (кўкси) очуг, очу нахор,  
Аралаш эркак ила модалари кунда катор,  
Гар тахорат килур ўлса сув тополмай ночор,  
Юзини кум била юб (кўлига) суртар гувалак.

Хамаси мустахики садкаю эхсону закот,  
Ярамай ишга ётар оч, на тирикдур на мамот,  
Келсалар ой ила йилда агар бахри салот;  
Масжиди ертўла, бир эски коронгу зулмот,  
Кўр килур кирса киши кўзга уруб кўршапалак.

Кўчди бўйнига илиб эшаку отин ипини,  
Кочди кўзлаб Коракўл, Балху, Бадахшон йўлини  
Ушлашиб йиглашибон бир-бирисини кўлини,  
Кеча ногах эшитиб, шухрати тилло пулини,  
Хафалак кўркусидин учди мисоли кафалак.

Шохким, бўлса дуогўйи Ажам бирла Араб,  
Ноумид ўлмас ани давлатидин ахли талаб,  
Деди Нодим: бу шаханшоха килиб тарки адаб,  
Кечса Махмури учун шох карамдин, не ажаб,  
Хафалак юртига тушган пул агарчи лак-лак.

\* \* \*

Гам даштида бу оху овора экан мендек,  
Тоғу туз аро ёлгуз сайёра экан мендек,  
Кўз ёши равон, жисми кўп ёра экан мендек,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Банд айламагил они, кўз ёшига рахм айла,  
Саргаштаи хар води бу бошига рахм айла,  
Чўх жавру ситам килма, бардошига рахм айла,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Кўп холи забун эркан, афтодау дилхаста,  
Кўйгил они, то бўлгай авлодига пайваста,  
Бўйсун гаму кулфатдин рохат била вораста,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Кўп кийнамаким, жисми домингда фигор ўлмиш,  
Ўз хайлидан айрилгач, махзуну низор ўлмиш,  
Минг дард ила хасратга илкинда дучор ўлмиш,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Эрди бу Хўтан дашту тоги била сахроси  
Ушбу кора кўзларни ўйнар жойи маъвоси,  
Кўнглида эди мушкин сочларни таманноси,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Домингни гирифтори ўз холига хайрондур,  
Бошдин оёги захму сандин юраги кондур,  
Бу зулму ситамлардин пайваста дарафгондур,  
Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Гуллар очилиб эмди айёми бахор ўлди,  
Хак рахмати бу тогу сахрога нисор ўлди,  
Сарсабзи зумурратгун бегарду губор ўлди,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Мажрух эрур жисми оё на кабоб ўлгай,  
Гар бўлса хам, аммо ул фарзанди хароб ўлгай,  
Ул икки каро кўзлар йўлларда пуроб ўлгай,  
Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Кесма они бошини, жонига ситам килма,  
Бўйнига суруб тийгинг, рохини адам килма,  
Бу нахли хаётини рахм айла, калам килма,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Ўз ёру диёрдан махжуру жудо бўлгон,  
Дарду гаму хасратни кўп тортиб адо бўлгон,  
Вобастаи занжири бедоди бало бўлгон,  
Сайдинг кўябер, сайёд, сайёра экан мёндек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Кўй ўйнасун ул оху хар водию тог узра,  
Хар бешаи сарсабзу анхору булок узра,  
Лолаю гул очилган хар гулшану бог узра,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

Мажнуни биёбони исёну хато Модим,  
Савдозадаи ишки оху-ю Хито Нодим,  
Сайёди ажал бир кун етгай санга, ё Нодим,  
Сайдинг кўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Гам тийги била багри садпора экан мендек.

### **Мухаммаси Нодим ба ахволи замон**

Бўлди авзои замона била даврон галати,  
Расм ойин ила атвори хар инсон галати,  
Муфтию, аъламу, козию каламдон галати,  
Кийиму лафзу ёзув, лампау шамдон галати,  
Лампау печкау курсию кайвон галати.

Кўчаю кўйда фанор равшану йўллар сангин,  
Беибо жумла тарантос ила избош нишин,  
Бехаё кўчада бебок очиб элга жабин,  
Тенг ўлуб олим ила жохилу, ёлгон била чин,  
Бир-бирисига килиб хар киши бўхтон галати.

Ёш йигитлар кезибон лафкау хар раста аро,  
Кўлида шишаи май, огзида куфр ила наво,  
Хар каби ханграшибон шахрни айлаб гавго,  
Йўк алар юзларида хеч дами шарму хаё,  
Бўлубон хар каби ўтгай хама хандон галати.

Эл этиб мансаб учун бир-бирига жангу талош,  
Ёрилиб фурсати сайловда кўп кўз ила кош,  
Берибон ришва бўлур козию аллома тарош,  
Пул олиб макру хиял бирла килур айшу маош,  
Бўлди ахволи тамоми Намангон галати...

Баъзи даъво чўзилур неча ою неча йил,  
Муддаий бирла бўлур хасми бу эхмол ила сил,  
Муфтии можину суллоху вакил хайли далил,  
Пулу молини килур горат, ўзин зору залил,  
Тўлдурур акча била киссаю хамён галати.

Халкка тухмату бўхтону хусумат бисёр,  
Даъвии кизбу анонияту ифсод шиор,  
Хакки мардумга килиб зуъмлиг ила инкор,  
Кизитиб махкамалар ичра дамодам бозор,  
Бўлди суллоху вакил зумраси шайтон галати.

Ахли зиндику зино эгнида кимхобу самур,  
Остида аблахи хушгашту тарантосу кўчур,  
Баъзиси растаю шахр ичра бўлуб гохи жужур,  
Хамр ичиб, маст бўлуб, зохир этиб кибру гурур,  
Фиск жойига бориб, бўлгуси мехмон галати.

Сайланг элликбошига одами донолардин,  
Мунсифу ахли хирад кўнгли мусаффолардин,  
Содикулкавлу расо, марди тавонолардин,  
На гадо табъи жафокор хаюлолардин,  
Гар ёмон сизга бўлур дог ила армон галати.

Саъй этинг, мингбоши то сохиби эхсон бўлгай,  
Халкка мархамату лутфи фаровон бўлгай,  
Фукаропарвару одил, ўзи чаккон бўлгай,  
Юртнинг ахли била бир тану бир жон бўлгай,  
Бўлса хайрот тарийкида шитобон галати.

Ахтаринг козига бир ахли диёнат бўлсун,  
Олиму хўб боинсофу фатонат бўлсун,  
Элга анфоси ани субхи саодат бўлсун,  
Наки бир омии сармашки залолат бўлсун,  
Токи бўлманг, фукаро асру пушаймон галати.

Топсангиз яхши киши, кўймай амалдор килинг,  
Шаръи бўстонин ани даврида саршор килинг,  
Мадад айланг ишига, лутф ила исор килинг,  
Гардани жонга ани сўзини тумор килинг,  
Сизга то бўлгуси ул яхши нигахбон галати.

Ох, афсуски, бундог кишини ахтармай,  
Яхши инсофлик одамни бу мансабга демай,  
Порау ришва олиб сайлагани бир чигатай,  
Хўмгўзал, гунгу саранг аблаху нодон мамай,  
Кўрмаган бўйла киши дийдаи даврон галати.

Йигилиб бир неча жаллоби шарорат пеша,  
Кам этиб жангда олур пахтани беандеша,  
Беху бунёду диёнатга урубон теша,  
Колмайин зарраи инсоф алардин реша,

Килдилар дину диёнатга нуксон галати.

Ахли дўкону саро фикри хаво бирла хавас,  
Доми бу зийнат ила зеби жахонга побас,  
Зикри савдои Кизилжар била Маскову Адас,  
Охират амрини ёд айламайин хеч нафас,  
Айлади мўътакиди шаръини вайрон галати.

Яхши от узра миниб саллани харротий килиб,  
Сўфийи харкалла бас оркаю олдида елиб,  
Гох мастона бўлуб, хар кадамида йикилиб,  
Ўзин ул хомтамаъ муршиду аллома билиб,  
Бузди оламни солиб шўришу тўфон галати...

Бу мухаммаслар эрур гарчи маонидин дур,  
Бир хикоят эрур халкни айлар масрур.  
Бўлса гар зумраи ахбобга ногах манзур,  
Этмагай Нодими махзунни дуодан махжур,  
Умрини зое этиб, айлади хусрон галати.

\* \* \*

Экмак экин кўмаксиз, эй дўстлар, гумонда,  
Онборинг ичра галла кўп бўлса, акча ёнда,  
Анкони тухмидур бу мухтожи нотавонда,  
Осон эмас, биродар, дехкончилик жахонда,  
Харжию зўр бозу даркор хар замонда.

Харёна совурурсан кўлда на бўлса мавжуд,  
Жонингни ўртагайсан мехнат ўтига чун уд,  
Ахлу аёл барча бошдин-оёк кир-олуд,  
Кўшу аробау от, агдармау тараддуд,  
Тишу омоч-тиркиш, авкоти чарчагонда.

Кўп жусту-жў керакдур дехкончилик ишига,  
Ёзида ер пишитгач, гўнг тошигай кишига,  
Колгай неча замонлар оламни ташвишига,  
Бугдой дема осон хосил бўлур кишига,  
Гах йилда бўлмай ул хам, дехкон колур зиёнда

Экмакка пахта тухмин кўп боғлар бузулди,  
Сахроу даштларда хангомалар кўзулди,  
Бир неча сарою ховли чигитга тўлди,  
Бу пахтаи амиркон нархи зиёда бўлди,  
Мундин бўлак амал йўк яхши била ёмонда.

Галлотларга бўлди нархи бахода фойик,  
Кўп одам экди пахта ўз кувватига лойик,  
Бу йўлда сарф айлаб илгидаги алойик,  
Ёмгири бемахалдан кўркиб хама халойик,  
Киш эрта тушмагай деб кўзлари осмонда.

Бир неча камбагаллар авкотин ўткузолмай,  
Кишлик маошларини асбобини тузолмай,  
Хар кимсадин олиб пул, мингдин бирин узолмай,  
Пахтага пул кўториб, вақтида еткузолмай,  
Оркасидин махосил, дехкончилик товонда.

Хўкузлари похол дер, кўшчиси ош ила нон,  
Накдина йўк кўлида, бисёр дил паришон,  
Юз минг хаёл бирла дармонда у харосон,  
Онбор пулию ўлпон багрини айлабон кон,  
Кўркуб, чўчуб тушодур туш кўрса ухлагонда.

Деб пахта сарф айлар ерга хама кучу зўр,  
Тиккай чигит жўякка, бошида юз туман шўр,  
Ёз хам ўтуб бородур, деб бўлмагай туротур,  
Кўсақлари очилмай урди бу кору ёмгур,

Хайрон бири бу ишдин, нафъ олмоги гумонда.

Хар сийнага тўлубдур савдосидин таманно,  
Сахроу шахрларда бисёр шўру гавго,  
Зикр ила фикри пахта, хеч йўк ёди мавло,  
Вахмим харифларидин шул кун дегай мабодо,  
Гўр ичра «пахта-пахта», «манраббика?» дегонда...

Кўп така айлагонлар дунёи бевафога,  
Синдию парча-парча бўлди колиб балога,  
Холини танг килгач пулдор олиб арога,  
Баъзиси кочди Кашгар, баъзиси Олмаотога,  
Баъзини кўрди мардум Афгону Бомиёнда.

Бозор кўп кишининг айшини килди бархам,  
Бори-йўгини берди кўрдингми, канча одам?  
Хар раста ичра элдин топти шикаст кам-кам  
Баззозу чойфурушлик-мушкил бу иккиси хам,  
Кўплар синиб туганди моли колиб жавонда.

Синмак бу кеча-кундуз кўп элга ом бўлди,  
Тужжорларни субхи гам бирла шом бўлди,  
Тўкулиб обрўси бенангу ном бўлди,  
Масковчи бирла девкор —бу хам тамом бўлди,  
Синганни йўк хисоби Хўканду Андижонда.

Ёлгуз ўзум деганлар тоғлар ошиб юрубдур,  
Ёшин чу абри борон тинмай сочиб юрубдур,  
Расволик илки бирла кетин очиб юрубдур,  
Ермахд бирла Виктор пинхон кочиб юрубдур.  
Харгиз булар топилмас дунёни излагонда...

Гаввос то пишилмас сувга олурми гавхар?  
Рохат жафоу мехнат чекмай эмас муяссар,

То нофа бўлмайин хун харгиз бўлурми анбар?  
Алкисса, хеч бир иш осон эмас, биродар,  
Бекулфату машаккат рохат санга каёнда?!

То ҳақ иноят этмай, етмас кўлингга давлат,  
Лекин умид бирла хар кимса чекса захмат,  
Ё олим ўлгай охир, ёким бир ахли санъат,  
Хар бир хунарга бордур мушкил базе машаккат  
Бе ранж муфт давлат — бор элга ногахонда.

Элни асир кўрдум дунёни ташвишига,  
Босмас фарогат ила бир парча нон тишига,  
Саргаштаи жахондур ёзи била кишига,  
Машгули жумла олам ўз нафсининг ишига.  
Фикри танур ичинда, андишаси козонда...

Холи эмас хавоник сар халкаси риёдин,  
Тазвиру хийла накшин кашф этди бурёдин,  
Максуди молу зардур азкору инзуводин,  
Бўйини топмадим ман бир факр ила фанодин,  
Кўп сўфиларни кўрдим икки кўзи шилонда...

Эй Нодими камина, токай сенга бу гафлат,  
Ногох марг етгай бу умрдур ганимат,  
Айёми навжувонлиг хайф ўтди яхши фурсат,  
Эндики пири бўлдинг, йўқдур мадору кувват,  
Тоат килурга харгиз бу жисми нотавонда.

\* \* \*

Гар подшахи тамоми кишвар,  
Хуршид ликоу тож барсар,  
Сохиб хашаму ливоу ханжар,  
Дороу Фаридуну Скандар,

Максуди аларни сийму зардур.

Ул зумраки зўр пахлавондур,  
Хар жангда тийги хунфишондур,  
Гайратда шажеу арслондур,  
Ханжарлари тезу жонситондур,  
Максуди аларни сийму зардур.

Ул шайхларики бериёдур,  
Сажжодада сохиби ридодур,  
Жахрию хужаста гюрсодур,  
Кўп халкларга пиру пешводур,  
Максуди аларни сийму зардур.

Куззодки, шарънинг амири,  
Дин чархини бир махи мунири,  
Мазлуму шикаста дастгири,  
Минг хавфу хатар михан асири,  
Максуди аларни сийму зардур.

Муфтики каламкаши замона,  
Тун-кун они жойи козихона,  
Хат битмок аларга жовидона,  
Ижрои шариати бахона,  
Максуди аларни сийму зардур.

Хар ахли мударрису муаллим,  
Айлар хама элга дарс таълим,  
Ё ахли ҳакиму ё мунажжим,  
Бордур бу замона ичра, билким,  
Максуди аларни сийму зардур.

Савдогари ашрафи жахонгард,  
Килгон ватанини кўнглига сард,

Рухсораси фикр бобидин зард  
Ташвиш ила умри гусса парвард,  
Максуди аларни сийму зардур.

Бу жумла саронишин дўкондор,  
Саррофу сахобу ахли нажжор,  
Бу пахтачию тарозубардор,  
Хар касбиким дахр аро бор,  
Максуди аларни сийму зардур,

Хар сарв кадеки дилрабодур,  
Дахр ахлига офату балодур,  
Киприклари ўку коши ёдур,  
Шерозаи базми хуш адодур,  
Максуди аларни сийму зардур.

Мутрибки эрур базе хуш илхон,  
Лахнида олур кўнгул, берур жон,  
То субхи суруд этар фаровон,  
Элдин олибон саботу сомон,  
Максуди аларни сийму зардур.

Созандаи дилнавозким бор,  
Конун ила кўлга олса сетор,  
Бўлгай нагамотлар падидор,  
Таъсирида ссхрдур мамудор,  
Максуди аларни сийму зардур.

Ул жамъи мусофири паришон,  
Автон гамидан жигарлари кон,  
Ошифта дилу, асири хижрон,  
Гурбатда нахийф ўлуб, чекиб жон,  
Максуди аларни сийму зардур.

Дехкон эли айлагай зироат,  
Тун-ку-н чекибон жафоу мехнат,  
Сарф айлаб анга куч ила кувват,  
Бу хирфадин, эй завил басорат,  
Максуди аларни оийму зардур.

Сахрони кезар хамиша сайёд,  
Сайд айламак анга бўлди муътод,  
Гах тог узадур мисоли Фарход,  
Бу саъиларидин, эй науку зод,  
Макоуди аларни сийму зардур.

Шахларки жахонни айлагай танг,  
Бир-бирига килиб ситез ила жанг,  
Юргай неча мийлу неча фарсанг,  
Килмай бу юришда ном ила нанг,  
Максуди аларни сийму зардур.

Бир зумрани халк дер каландар,  
Кезгай хама хол бахр ила бар,  
Илгида асоу хирка дарбар,  
Эй дўст, билингки, билмукаррар,  
Максуди аларни сийму зардур.

## **МАКТУБИ МУХАББАТ УСЛУБ**

Аё боги умримда битган нихол,  
Кўзум чашмаси бирла топган камол,  
Дилим куввати-ю, уйим зийнати,  
Кўзум нури, ёлгуз бошим давлати,  
Дуогўйи бу мустаманди гариб,  
Ризожўи афтодаи бенасиб,  
Мухаббат жахонида бир тоза бог,  
Мани рўзгоримда ёнган чирог.  
Даме бермаган хотиримга малол,  
Тавозуъдин айлаб кадин мисли дол,

Каноат килиб харна бергонима.  
Килиб эътимод ахду паймонима,  
Мени айлаган эл аро аржуманд,  
Килиб рӯзгорими кадрин баланд,  
Бокиб жумла фарзандими субху шом  
Тутуб гўшаи уйда дойим маком,  
Саранжом этиб ишни шод айлаган,  
Неча мушкулимни кушод айлаган.  
Севга, эй вафодор ёрим, салом,  
Гуландоми гулгун узорим, салом.  
Салом, эй мен хастанинг хамдами,  
Салом, эй харими кўнгул махрами.  
Хама нури чашму акрабога салом,  
Аго-инию ошнога салом.  
Салому тахиёт адо айлабои,  
Килай хасби холиmpi бир-бир баён:  
Танимиз зрур сог, юз шукрким,  
Фарогатдадурмиз, хамиша еалим.  
Етиб хар диёр ахлидин шодлиг,  
Бузулган кўнгулларга ободлиг,  
Саёхат ишим, гох сайри чаман,  
Дамо-дам зиёфат, гахи анжуман,  
Кўруб тоғлар узра ёмгуру кор,  
Булардин ўтуб чун насими бахор,  
Гахи дашт ила кўхсор узра ман,  
Гах-и чашмау маргзор узра ман.  
Тамомиси сарсабзу шодобу тар,  
Раёхину анвои гул сарбасар.  
Окиб чашмалар ишк эли ёшидек,  
Унуб лола анда акик тошидек.  
Етиб энди, алкисса, биз бенаво,  
Турубмиз бу ердаки—Авлиёт.  
Ажаб жою хушфайзу осор экан,  
Баланду фарахбахш кўхсор экан.  
Суви оби кавсар каби ок эрур,  
Ичган кимсага таъми шакар берур.  
Эрур гарбу шарку жанубида тоғ,  
Хама сабзау настарину булок.  
Элотия атрофида бехисоб,  
Таомининг бойвуччаси беникоб.  
Ўти сийнадин, молу коли фузун,  
Келур змчагидш сути чун куюн,  
Согарлар согин хар куни тўрт йўл,  
Кадам-баркадам хайма бирла овул,  
Кимиз, сув-масаллик ичар мардуми,  
Бўлур нахру дарё куюлса ками.

Сутининг тамомийси каймок эрур,  
Киши ичса таъми сариёг эрур.  
Дуо бирла эди бу Нодим салом,  
Сўзум кўп эрди, киска килдим калом.\*

*\* Бу хатни Нодим 1890 йилда Авлиёотадан ўз рафикасига ёзган.*